

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКИМБЕТОВА ГУЛБАХАР РЫСБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ
ДЎСТЛИК, ИНСОНИЙЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по педагогическом наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

Бекимбетова Гулбахар Рысбаевна

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик
руҳида тарбиялаш анъаналари..... 3

Бекимбетова Гулбахар Рысбаевна

Традиции воспитания молодёжи в духе дружбы и гуманизма в
каракалпакской народной педагогике..... 23

Bekimbetova Gulbakhar Risbaevna

Traditions of education of youth in the spirit of friendship and humanism
in karakalpak folk pedagogy..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКИМБЕТОВА ГУЛБАХАР РЫСБАЕВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ЁШЛАРНИ
ДЎСТЛИК, ИНСОНИЙЛИК РУҲИДА
ТАРБИЯЛАШ АНЪАНАЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped704 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ndpi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Утебаев Тажибай Тилеумуратович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: Алламбергенов Кенесбай
филология фанлари доктори, профессор
Тилегенов Аскарбай Толегенович
педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «25» декабр куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй.) Тел.: (99861) 229-40-75, факс: (99861) 229-40-75; e-mail: pkspi_info@edu.uz).

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси, рақамсиз уй. Тел.: (99861) 229-40-75, факс: (99861) 229-40-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «11» декабр да тарқатилди.
(2020 йил «11» декабр даги 9 рақамли реестр баённомаси).



Б.П. Отемуратов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К. Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

А.К. Пазылов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнининг таъсири натижасида халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият давлатлари томонидан таълим тизими барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий куч сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “таълим инсон шахсини тўла ривожлантиришни мақсад қилиб, ўзаро тушуниш, бағрикенглик, дўстлик, инсонийлик, ижтимоий адолат ва тинчликни тарғиб этиши” долзарб вазифа этиб белгиланди. Айниқса, ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда миллатларнинг бой урф-одат, анъана, кадрият ва мерослари асосидаги халқ педагогикаси манбаларидан фойдаланиш, таълимнинг этнопедагогик омиллари таъсирини мақбуллаштириш долзарблик касб этади. Шунингдек, келажак авлодни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, уларда меҳр-мурувват ва саховатлилик фазилатларини ривожлантиришнинг тарбия технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда этнопедагогик таълимнинг шахс ижтимоийлашувидаги ўрнини аниқ белгилаш асосида ўқувчиларда инсонпарварлик фазилатини қарор топтириш, ўқув материални тизимлаштиришда анъаналар ва аутентик материалларни самарали танлашнинг дидактик механизмларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, кўпмаданиятли таълим шароитида ўқувчиларда миллатларо толерантликни тарбиялашнинг этнопедагогик технологияларини ишлаб чиқиш, аксиологик ёндашув асосида ўқувчи-ёшларда илғор анъаналарга кадриятли муносабатни таркиб топтириш орқали уларнинг ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим долзарблик касб этади. Шунингдек, ўқувчиларда дўстлик ва инсонийликни қарор топтиришда анъанавий ва рефлексив ёндашувларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, дўстлик ва инсонийликни тарбиялашнинг педагогик технологиясини такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамызда ўқувчи-ёшларнинг шахсий ва умуммаданий компетенцияларни таркиб топтириш, узлуксиз маънавий тарбия Концепциясини амалиётга татбиқ этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида миллий анъаналардан самарали фойдаланишнинг педагогик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялаш анъаналарининг дидактик имкониятларини аниқлаштириш, қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик механизмини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон, 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада халқ педагогикасини ўрганиш бўйича қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, У.Алеуов, Ж.Базарбаев, А.Бекимбетова, А.Пазылов, А.Тажимуратов, Р.У.Торежановаларнинг илмий тадқиқотларида одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва ёшларга ақлий тарбия бериш анъаналари, П.Абдимуратов, И.Алланиязовлар томонидан ўқувчи ёшларни инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик асослари ва қорақалпоқ халқининг урф-одатлари ҳақида, З.Курбаниязова, А.Тилегеновлар томонидан ёшларни миллий ва умуминсоний, маънавий-ахлоқий кадриятларга қизиқтириш, миллий ўзликни англаш, Қорақалпоғистонда таълим-тарбиянинг ривожланиш тарихи ва халқ анъаналари бўйича М.Айтимбетов, Қ.Қосназаров, Т.Сапарбаев, Ж.Урумбаев, Т.Утебаевлар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида А.Ф.Акчулпанова, Б.Апышев, Б.Х.Артюнян, К.Т.Атемова, Н.Я.Бицурин, Г.Н.Волков, З.З.Гасанова, А.Ш.Гашимов, М.Гуртуева, А.К.Жумабеков, А.Э.Измайлов, Г.Я.Кальюева, Т.И.Мацейкиев, Ж.М.Оразбаев, И.Оршибеков, Р.М.Папашева, К.Пирлиев, З.В.Табуашвили, Я.И.Ханбиқов, А.Ф.Хинтибидзе, Қ.Қ.Шалғынбаевалар томонидан халқ анъаналарининг аҳамияти, ўқувчи-ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, ўқувчиларда маънавий маданиятни ривожлантиришга доир илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижлик олимлардан Th.Barrett, J.Bruner, K.Dyrli, F.Koenen, R.Land, R.Shavelson, H.Rheingold, S.Reidлар томонидан халқ педагогикаси ва

ёшларнинг шахс сифатида шаклланишида одоб-ахлоқ фазилатларининг аҳамияти, тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш масалалари ўрганилган.

Аммо, қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг этнопедагогик асосларини аниқлаштириш, миллий анъаналарнинг ўқувчиларда маънавий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш алоҳида тадқиқ этилмаган. Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда тадқиқот мавзуси “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш анъаналари” тарзида танланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоғистонда мактаб ва педагогик фикрлар тарихи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш мазмуни ва педагогик имкониятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда қорақалпоқ халқ анъаналарининг ўрни ва аҳамиятини ёритиб бериш;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш моделини ишлаб чиқиш;

этнопедагогик ёндашув асосида ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Қорақалпоғистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг жами 310 нафар респондент-ўқувчиси жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш мазмуни мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий, педагогик-психологик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш, анкета, сўровнома, тест, қиёсий таҳлил, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда қорақалпоқ халқ анъаналарининг ўрни ва аҳамияти миллий идентикликнинг ментал хусусиятлари (уруғчилик, оилавий муносабатлар, шажарасини билишнинг шартлиги), катта авлод вакилларининг бевосита тарбиявий таъсири

барқарорлигини фольклор намуналарида ифода этилишини кўрсатиб бериш орқали асосланган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари шахсий (толерантлик, масъулиятлилиқ, альтруистик) ва умуммаданий (ижтимоий мослашувчанлик, мустақил ва жамоада ишлаш кўникмаси) компетенцияни маънавий-ахлоқий лаёқат билан мақбул интеграллашуви идентивлигини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш моделининг амалий компоненти миллий тарбия методларини (одатлантириш, таъбирлаш, таъқиқлаш, муҳокама қилиш, тақдирлаш) рефлексив усуллар (самимийлик машқи, гуруҳий мунозара, қариндошлиқ терминологияси тести, тренинг) билан синектик адаптив қўллаш имкониятларини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

этнопедагогик ёндашув асосида ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг алгоритмик босқичлари ўқувчилар учун долзарб ҳаётий муаммоларни танлаш, ўқувчиларни ижтимоий-маданий муҳит билан бевосита мулоқотга киришиши, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси билан алоқадорликда вариатив фаолият йўналишларини белгилашга доир технологик элементларни аниқлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда қорақалпоқ халқ анъаналаридан фойдаланиш йўллари (шакл, метод ва воситалари) кўрсатиб берилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашга доир интерфаол машғулотлар мажмуи ишлаб чиқилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашга доир илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асослангани, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишларининг илмий аҳамияти ўқувчиларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияловчи инновацион ёндашувлар, ёшларни дўстлик, инсонийликка тарбияловчи анъаналарнинг педагогик хусусиятлари, ёшларда инсонийлик фазилатларнинг шаклланганлиги эмпирик асослангани, уларнинг ривожланиш динамикасининг аниқланганлиги, халқ анъаналарининг тарбиявий салоҳияти, ёшларда ўзини ўзи ривожлантирувчи таянч

компетенциялари (шахсий, умуммаданий), ўқувчиларда дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг назарий материаллар асосида бойитилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўқувчиларда халқ анъаналари воситасида дўстлик, инсонийлик фазилатларини шакллантиришнинг йўллари, усуллари ва замонавий педагогик шарт-шароитлар билан боғлиқликда услубий тавсиялар, халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг адаптив вариантлари ишлаб чиқилганлиги, тадқиқот натижаларидан “Халқ педагогикаси”, “Оила педагогикаси”, “Умумий педагогика”, “Қорақалпоқ адабиёти” фанларини ва “Маънавият соатлари” ва таълим бошқа тилларда олиб бориладиган “Қорақалпоқ тили” дарсини ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш анъаналари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда қорақалпоқ халқ анъаналарининг ўрни ва аҳамиятини асослаш, миллий идентикликнинг ментал хусусиятлари, катта авлод вакиллариининг бевосита тарбиявий таъсири барқарорлиги, қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик-психологик хусусиятлари, шахсий ва умуммаданий компетенцияни маънавий-ахлоқий лаёқат билан мақбул интеграллашувини таъминлашга доир таклифлардан қорақалпоқ адабиёти Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 9 мартдаги 06-02/4-967-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларда миллий ўз-ўзини англаш компетентлигини таркиб топтиришга хизмат қилган;

қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш моделининг амалий компонентини такомиллаштириш, миллий тарбия методларини рефлексив усуллар билан синектик адаптив қўллаш имкониятларини кенгайтиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан И1-ХТ-0-17222. “Қорақалпоқ миллий менталитетини ўқувчи ёшларга сингдиришда халқ педагогикаси имкониятларидан фойдаланиш” (2013-2014 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 мартдаги 19-03-1041-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ халқ педагогикаси орқали ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга эришилган;

этнопедагогик ёндашув асосида ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг алгоритмик босқичлари, ўқувчилар учун долзарб ҳаётий муаммоларни танлаш, ўқувчиларни ижтимоий-маданий муҳит билан бевосита мулоқотга киришиши, ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаси билан алоқадорликда вариатив фаолият йўналишларини белгилашга доир технологик элементларни аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан А1-ХТ-0-92997. “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий

кадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг муаммолари” (2012-2014 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 октябрдаги 89-03-3954-сон маълумотномаси). Натижада, ўқувчи-ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан, 6 республика, 1 та хорижий журнал ва 1 дарслик нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда илова қисмлардан иборат. Диссертация ҳажми 132 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаларнинг ишончлилиги, назарий ҳамда амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийликка тарбиялашнинг тарихий илдизлари”** деб номланган биринчи бобида халқнинг этномаданий муаммоларга оид фалсафий, психологик-педагогик, ижтимоий-педагогик, этнографик адабиётларда ёритилган дўстлик, инсонийлик масалаларига қаратилган фикрлар мавжуд.

Халқнинг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналари ҳақида фольклоршунос, этнограф, педагог тадқиқотчилар томонидан халқнинг маданияти, этнографияси ва фольклорини ўрганишга оид фикрлар таъкидланган. Қорақалпоқ халқ педагогикаси ва унинг илмий аҳамияти бўйича академик Ж.Базарбаев раҳбарлигида этнопедагогика лабораторияси томонидан бажарилган илмий ишлар, фаразлар талқин қилинган.

Қорақалпоқ халқининг миллий халқ бўлиб шаклланишида XIV-XV асрларда халқнинг тарбиявий ғояларининг пайдо бўлиши, ривожланиши сезиларли даражада бўлган. Буни Олтин Ўрда ва Нўғойли даврларидаги маданий мерос орқали билиш мумкин. Халқ педагогикасининг асосий тарбия қуроли сифатида халқ оғзаки ижоди, анъаналар, урф-одатлар, маросимлар, халқ ўйинларидан фойдаланган. Халқ оғзаки ижодиёти

маданияти энг эски сохаларидан бўлиб, унинг илдизи қадимги тарихга бориб тақалади.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида дўстлик, инсонийликка тарбиялаш мазмунининг манбаи қорақалпоқ халқининг барқарор урф-одат ва хатти-ҳаракатларида, атроф-муҳитни ҳиссий идрок этишда, қадрият йўналишларида, эҳтиёж ва дидларида ифодаланган. Қорақалпоқ оиласининг турмуш тарзи камтарлик, соддалик, самимийлик, бағрикенглик, меҳнатсеварлик каби хулқ-атвор билан ажралиб туради.

Халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг таркибий қисмлари, характеристикаси: инсоний фазилатларга (толерантлик, масъулиятлилиқ, альтруистик) оид тушунча ва ғояларни шакллантириш, ахлоқий ҳис-туйғулар ва эътиқодларни ривожлантириш, ёшларни инсонийликка тарбиялаш мақсад қилинган.

Ёшларга бевосита педагогик таъсир кўрсатиш воситалари ва тарбиялашнинг интенсив усуллари (одатлантириш, таъбирлаш, таъқиқлаш, муҳокама қилиш, тақдирлаш) ўзига хослиги очиб берилган. Халқ ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда устоз-шоғирд тизими асосида ҳар бир авлод олдига муайян вазифа – инсонийлик руҳини шакллантиришга маълум даражада ҳисса қўшиш масъулияти юклатилган. Тарбиянинг дидактик имкониятлари: эртақлар, дostonлар, мақоллар ва халқ ўйинлари орқали ёшларнинг руҳиятига таъсир кўрсатган.

Халқ педагогикасида дўстлик, инсонийлик қонуниятлари назариясининг ишлаб чиқилиши ва уларни асослаш назарда тутилмаган. Лекин, катта ёшлилар фарзандларига амалий жиҳатдан тушунтириб, ақл ўргатиб, атрофдаги тенгдошлар, кичиклар билан муносабатларга тарбиялаш орқали уларнинг онгига дўстлик, сирдошлиқ, итоаткорлик, ўртоқлик муносабатларини шакллантиришга эришган. Хусусан, болага дўстлик, ўртоқлик туйғуларини ўргатишда шошма-шошарлик қилмаслик, бу жараёнда ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажмини қисмларга бўлиб ўргатиш тавсия қилинган. Айниқса, болаларнинг улғайиш даражаси, хулқ-атвори, жисмоний ривожланиши, инсонлар билан мулоқот жараёни, ўртоқлик муносабатига қараб ҳамжиҳатликка, йўналтирилган меҳнатга тақсимлашда синхрон усулларда фойдаланган.

Қорақалпоқ халқининг маданий турмуш тарзи, тарихи ва тарбия воситаларида акс этиши ҳақида У.Алеуов, К.Алламбергенов, Т.Атамуратов, Қ.Айымбетов, Р.Баллиева, А.Бекимбетова, А.Бекмуратов, М.Давлетияров, Х.Есбергенов, С.Камалов сингари олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилиб, уларнинг тадқиқотларида қорақалпоқ халқининг кўчманчи қабила эканлиги, яшаш тарзи асосан чорвачилиқ, балиқчилик, овчилик касблари орқали ёшларга тарбия берганлиги кўрсатилган.

Аждодлар томонидан яратилган халқ анъаналаридан яна бири, қайси уруғ вакили эканлигини, етти аждодини (жети ата) билиш шарт ҳисобланган. Бу ҳақида халқ мақоллари (“Жети атасын билмеген, жетимликтин салдары”) мавжуд. Фарзанд ҳаёти давомида камида ота-онасининг етти аждодини, уларнинг қолдирган васиятларини билиши керак. Шунингдек, экзогамия анъанасига амал қилиши (бир уруғдан уйланмаслик, турмуш қурмаслик),

еттинчи авлоддан сўнг қариндошлар бир-бирларига бегона бўлиб, никоҳ қўришга рухсат берилган, лекин ҳозирги кунгача уруғ бўғинларининг узоқ-яқинлигидан қатъий назар, битта уруғ вакиллари орасидаги оила қуриш ман қилинган. Қорақалпоқларда авлодлар экзогамияси эмас, балки “уруғ-қабила” экзогамияси қоидаларига амал қилиши кўрсатилган. Қорақалпоқ халқ анъаналарига кўра яқин қариндошлар, аниқроғи, опа-сингиллар фарзандлари (бөле) орасида ёки тоғанинг қизи (дайы) билан турмуш қуриши, уйланиш ва синглисининг ўғлини (жийен) куёв қилишга рухсат берилиши каби масалалар ёритилган.

Халқда ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашда онасининг укаси тоға (дайы) жиянини ҳазил-мутойибага, инсонлар билан муносабатга ўргатишган, опа-сингилларнинг фарзандлари (бөле) ўртасида тотувлик, ўртоқлик, аҳиллик мустаҳкам бўлишида оналарининг ҳиссаси (“Ёки аяқлыда бөле татыў, төрт аяқлыда бота татыў” каби мақолларда) катта бўлган. Бу тарбиявий анъана халқ оғзаки ижоди ҳисобланган “Эдиге” достонидаги Эдиге билан Қора тийин Алп дев ўртасидаги мулоқотда ҳам берилган. Бу масала фольклоршунос К.Алламбергеновнинг илмий тадқиқотларида акс этган.

Ёшларни инсонийликка тарбиялашда оила ва қариндошлик гуруҳлари муносабатлари (эрнинг қариндошлари билан муносабатларда ўзини чегаралаши, ҳурмат юзасидан исмларини айтмаслик одати ва ҳоказо), ёшларга тўғри йўл кўрсатишда муридик ота-она сайлаш масалалари акс этган.

Халқ достонларида содир бўлган воқеалар ҳаётнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан тасвирланган ва баҳоланган. Жумладан, “Алпомиш”, “Қирқ қиз” достонларида ёшларни дўстликка тарбияловчи халқ анъаналари, дўстлик ришталар, дўстлар ўртасидаги муносабатлар мисол тариқасида ёшларга тушунтирилган. Масалан, “Алпомиш” достонида Бойбўри билан Бойсарининг дўстлашган пайтидаги бўйинларига бўйинбоғ ип боғлаб дўстлигини мустаҳкамлаши бунга мисол. Анъанага кўра икки томон аразлашиб қолса ипни кесиб, дўстликни тўхтатиш удуми мавжуд бўлган. Бу масала “Ала жипти кесисиў” фраземасида ўз аксини топган.

Тадқиқот ишида ёшларнинг дўстлик, инсонийлик руҳини шакллантиришда диний тарбия ҳам аҳамиятли ўринни эгаллаган. Ислом таълимотида “ихўатун” сўзи “дўст, биродар, ҳамкор” маъносини ифодалаган. Бу сўзнинг асли келиб чиқиши “туғишган ака-укаларнинг ўзаро биродарлиги, дўст” деган маъносини англатган.

Ислом таълимотида ёшларни инсонийлик руҳида тарбиялаш анъаналари: севги, меҳр-оқибат, ўзаро тушунишга асосланган ахлоқий тарбия ва таълим маконини яратиш, ёшларни бағрикенглик руҳда тарбиялашга урғу берилган. Айниқса, дўстини ўғри ҳисобламаслик, ҳақиқатни билмай туриб, дўстидан шубҳаланмаслик, унинг кўнглини ранжитиш катта гуноҳ саналиши, Гендер ғоясига хос бўлган тарбия – инсоннинг энг яқин дўсти турмуш ўртоғи, ота-онаси бўлиши ҳақида маълумотлар акс этган. Дўстлик туйғулари

ва инсонийлик ғоялари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар қорақалпоқ халқ педагогикасида чуқур таҳлил қилинган.

Дўстлик бу – ишонч, тушуниш, кечириш, ходиса сифатида одамларнинг кўп асрлик ижтимоий ўзаро муносабатлари жараёнида ривожланган. Дўстлик билан боғланган одамлар дўст деб аталади. Дўстлик социология, ижтимоий психология, этика ва фалсафада ўрганилади. Дўстлик турли илмий назарияларга асосан, ижтимоий алмашиш назарияси, шу жумладан, адолат назарияси, муносабатлар диалектикаси, илова назарияси ва тарбия назариясида ҳам.

Инсонийлик – бу инсонларда ижобий хулқ-атворнинг ижтимоий меъёрининг шаклланиши (ваъда, номус, уят, виждон сингари категориялар) ва инсонларнинг бир-бирига ўзаро ҳурмати ҳисобланиб, оилага, Ватанга, жамиятга ижобий муносабатларини кўрсатадиган ва аниқ бир мақсад йўлига йўналтирадиган абстракт борлиқ ҳисобланади.

Дўстлик туйғуси ҳам инсонийлик категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Демак, ёшларда дўстлик, инсонийлик руҳини шакллантиришда ёшларнинг онгига қулай ва замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда одам ҳамда инсон ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш, инсондаги меҳрибонлик, саҳийлик, инсонларга яхшилик қилиш, ғамхўрлик, мардлик тушунчаларини ривожлантиришга аҳамият қаратилган.

Ишнинг “Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг педагогик имкониятлари” деб номланган иккинчи бобида ёшларни ўзаро тушуниш, бағрикенглик, дўстлик, инсонийлик, ижтимоий адолат ва тинчликни тарғиб қилувчи халқ анъаналарини қўллаш методикаси эътироф қилинган.

Тарбия жараёни ҳар бир ёш даврининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ўсмир ёши даври ва эрта ёшлик даврларда оламни идрок этиши ва хулқ-атворини белгилаб берувчи психофизиологик ўзига хосликларида тез ўзгаришлар содир бўлади. Мазкур ёш даврининг фаолиятга йўналганлик турини аниқлаштирувчи етакчи мотив сифатида мулоқотга интилиш, маълумотларни тез қабул қилиш юзага чиқади. Ҳозирги фан-техниканинг тараққиёт шароитида таълимнинг илғор технологиялари асосида халқ анъаналарини сингдириш, миллий ва умуминсоний ахлоқ меъёрларга шакллантиришда ушбу ёш даврлари катта аҳамиятга эга.

Тажриба-синов ишимизда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани 8-сон умумтаълим мактабидан 15 нафар, 9-сон умумтаълим мактабидан 23 нафар, Нукус шаҳар 7-сон умумтаълим мактабидан 51 нафар, 27-сон умумтаълим мактабидан 45 нафар, Қонликўл туманидаги 2-сон умумий ўрта таълим мактабидан 80 нафар, Хўжайли туманидаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабидан 43 нафар, Хўжайли туманидаги 10-сон умумий ўрта таълим мактабидан 53 нафар, жами 310 нафар респондент қатнашиб, тажриба гуруҳига 150 нафар, назорат гуруҳига 160 нафар ўқувчи жалб қилинди. Тажриба-синов ишларининг тайёргарлик босқичида тажрибага жалб қилинган мактабларда суҳбатлар, мавзуга оид турли анкета саволлари ўтказилди. (1-3 иловалар)

Ёшларни қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг тизимли таснифлаш босқичлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишимизнинг диагностик босқичида қорақалпоқ халқ педагогикасида ўқувчиларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияловчи маълумотларни тўплаш, суҳбатлар ўтказиш, даражаларини аниқлаш, умумлаштириш ва баҳолаш мезонларини аниқлаштиришга қаратилди.

Тадқиқот жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси умумтаълим мактабларининг давлат таълим стандарти (ДТС) ва тақвимий-мавзувий режалари ўрганилди.

Умумий ўрта таълим муассасаларида синф раҳбари фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги Қарорлари, Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган тегишли меъёрий ҳужжатлар билан танишиб чиқилди. Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаби ўқувчилари учун ташкил этиладиган “Маънавият соатлари” (Тарбиявий соат), “Қорақалпоқ адабиёти” дарслиги режаларида, шунингдек таълим бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларнинг “Қорақалпоқ тили” дарслиги мазмунига сингдириш имконияти мавжудлиги аниқланди. Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган муассасаларнинг “Қорақалпоқ тили” дарслигида қорақалпоқ тилшунослигига оид билимлар ва қорақалпоқ халқ урф-одат анъаналари (қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлар) мавжуд.

Тадқиқот ишимизда мавзуга оид масалалар, муаммоларни самарали очиб берилиши инobatга олинган ҳолда, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг сони, улар таълим олаётган ҳудуд, ижтимоий ҳолати, шаҳар ва қишлоқ жойларидаги тарбия жараёнларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди.

Тадқиқот ҳолатидан шуни айтиш жоизки, бугунги таълимий жараёнда умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари томонидан ўқувчи-ёшларга халқ анъаналари асосида таълим-тарбия бериш масалалари қониқарсиз ҳолати аниқланди. Жумладан, баъзи синф раҳбарлари томонидан ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларининг тўғри ташкил этилмаганлиги; таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг шахсий ва умуммаданий компетенциялари, инсоний фазилатларининг бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда қониқарсизлиги; тарбиявий соатларнинг аниқ ўқув-мавзу режа асосида ташкил этилмаётганлиги; таълим-тарбия ва маънавий-маърифий соҳага оид қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг кўпчилигидан ўқитувчи ва синф раҳбарларининг етарли даражада хабардор эмаслиги маълум бўлди.

Компетентли ёндашув асосида амалий фаолият нуқтаи назардан умумтаълим мактаблари ўқувчи ёшларини қорақалпоқ халқ педагогикаси, урф-одат ва анъаналар, дўстлик, инсонийлик муносабатлар ҳақидаги билимлари кўриб чиқиш асосида таҳлил қилиш тақозо этилди. Тадқиқот иши жараёнида ўқувчи ёшларда қорақалпоқ халқ педагогикаси анъаналарига доир билимлар: етти аждодини (жети ата) билиши, экзогамия анъаналари, қариндошлик терминалогиясини (бөле, балдыз, бажа) қўллашнинг қониқарсиз ҳолати акс этди.

Таҳлил натижалари асосида умумтаълимий жараён ўқувчиларнинг шахсий ва умуммаданий компетенцияси аҳамият касб этувчи самарали фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган реал воқеликнинг аниқ белгиланган объектларига қаратишни тақозо этди. Уларнинг халқ педагогикаси бўйича билим, кўникма ва малакалари ҳамда фаолият тажрибаларида акс этувчи таълимий тайёргарликка қўйиладиган талаблар мажмуи эканлиги ҳақидаги хулосага келинди. Тадқиқот жараёнида ўқувчиларда халқ педагогикасида инсонийлик тафаккурни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида “Қорақалпоқ адабиёти”, “Қорақалпоқ тили” ва “Маънавият соатлари” (Тарбиявий соат) да педагогик механизмларини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланди.

Тадқиқот ишида қуйидаги масалалар юзасидан эътибор беришга қаратилди:


Қорақалпоқ халқ анъаналари асосида дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш учун уларни зарур билимларга эга қилиш; умумтаълим мактаблари учун зарур фанлар билан боғлиқ бўлган билимлар бериш билан бирга дарсдан ташқари ишларни ташкиллаштириш; маънавият соатларида ёшларни, дўстлик, инсонийликка асосланган тарбиявий машғулотларни кўпайтириш; ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашга боғлиқ бўлган ижобий фазилатларни ривожлантириш; ёшларнинг дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияланишига боғлиқ билим ва кўникма ўз ичига оладиган умумий маданий компетенцияларини шакллантириш; ёшларнинг муаммоларини ечиш йўллари аниқлашга йўналтирилган диагностик функция яратиш; ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялашнинг ижтимоий аҳамияти билан таништириш ва уларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот ишимизда ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияловчи технологиянинг дастурий-таъминот босқичида методикани амалиётга тадбиқ этишда ёшларнинг дўстлик ва инсонийлик фазилатларини шакллантиришга доир назарий маълумотлар мазмуни аниқланди, дастурий маҳсулот тайёрланди. Тажриба-синов ишлари бошида ва охирида тадқиқот мақсадини аниқлашга хизмат қилувчи сўровномалар ўқитувчилар ва ўқувчиларга тарқатилди. (1-9 иловалар)

Таъкидловчи тажриба-синовгача ўтказилган сўровномалар натижалари таълимий-тарбиявий тажриба-синов ишлари мазмунини, шакл ва методларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди.

Тажриба-синов ишларининг таълим-тарбиявий жараёнида қўлланилган ёндашув асосида ўқувчиларда қорақалпоқ халқ педагогикаси ҳақидаги билимларини ривожлантиришнинг шакллари: якка, жуфтликларда ва кичик гуруҳларда ишлаш, тренинг машғулотлари: самимийлик машқи, методлар: давра суҳбати, муаммоли вазият методи, Т-чизма, қиёслаш, ақлий хужум, чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги, ота-она ва қариндошлик муносабат таснифини аниқлаш, тушунчалар таҳлили, ижодий тест, иншо ёзиш, қариндошлик терминологияси тести методларининг самарадорлиги аниқланди.

Тадқиқот ишимизни самарали ташкил қилиш мақсадида тажриба-синов жараёнига кўра фалсафий-этнопедагогик ёндашувнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг ёшларда дўстлик, инсонийлик руҳини ривожлантиришга доир имкониятлари тадқиқ этилди. Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш модели ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш модели

Мазкур модел мақсадли ва мазмунли блок асосида шакллантирилди. Ушбу модел асосида қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияшнинг педагогик жараёни, тарбиялашга оид омил, шакл, тамойил, усуллар, ёшларнинг интеллектуал, мотивацияси ва хулқий билимлари ўрганилди. Тадқиқот ишимизнинг самарали ўрганилиши учун тадқиқот босқичлари (диагностик, дастурий-таъминот, таълим-тарбиявий,

якуний-умумлаштирувчи), даражалари (паст, ўрта, юқори) ва унинг натижалари аниқланди.

Тадқиқот ишимизнинг якуний-умумлаштирувчи босқичида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияланиш динамикаси баҳоланди ва натижалари умумлаштирилди. Истиқболдаги тарбиявий ишларнинг йўналишлари аниқланди.

“Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияшнинг самарадорлик даражаси” деб номланган учинчи бобда тадқиқот мавзуси юзасидан тажриба-синов ишлари, муаммога доир илмий-педагогик манбалар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияловчи технологиянинг таълим-тарбиявий босқичида тайёрланган методик қўлланмалар режа, дастур асосида ўқувчиларда тажриба синовдан ўтказилади. Тадқиқот натижаларини умумлаштиришдан олдин ўқувчиларнинг қорақалпоқ халқ педагогикаси асосида дўстлик, инсонийлик анъаналарини билиш кўрсаткичлари сифатида билим даражасини белгиловчи меъёрлар ишлаб чиқилди. Қуйидаги саволлар атрофида уларнинг мавзуга оид билимлари аниқланди:

1. Ёшларга дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбия беришнинг халқ анъаналари тўғрисида умумий тушунчангиз қандай?

2. Ёшларга дўстлик ва инсонийлик руҳидаги тарбия беришнинг халқ педагогикасидаги воситалари ҳақида тасаввурларингиз нималардан иборат?

Бунда текширувларнинг тадқиқот бошидаги ва тажриба-синов жараёнидан кейинги ҳолатига эътибор қаратиш назарда тутилди. Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг дўстлик, инсонийлик руҳидаги билим даражалари (тажриба гуруҳларида ва назорат гуруҳлари) бир хил эканлиги аниқланди. (2-жадвал) Бундан маълум бўлдики, тажриба-синов ишлари илмий ишимизнинг ишончлилигига асос бўла олади.

Ўқувчилардан олинган жавоблар шуни кўрсатдики, халқнинг дўстлик ва инсонийлик руҳида тарбиялаш анъаналарини таълим жараёнида қўлланишга кам эътибор берилганлиги, оқибатда халқнинг амалий билимлари бўйича ўқувчиларнинг билим савияси, инсонлар билан муносабат жараёни, муомала маданияти қониқарсиз даражада эканлиги аниқланди.

Таълим жараёнида юз бераётган ушбу камчиликларни бартараф қилишни назарда тутган ҳолда умумтаълим тизимидаги мактаблардан тажриба-синов ишлари (2007-1019 йй.), ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш технологияси тизимли таснифлаш босқичлари (диагностик, дастурий-таъминот, таълим-тарбиявий, якуний-умумлаштирувчи) олиб борилди. (1-жадвал)

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш бўйича тажриба ва назорат гуруҳларида ўзлаштиришни баҳолашда 100 балли тизимдан фойдаланилди, бунда юқори (100-86 балл), ўрта (85-71 балл), паст (70-56) кўрсаткичлар белгиланди.

Респондент сифатида белгиланган умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари ва ўқитувчилар учун ижтимоий сўровномалар тарқатилди. Даставвал, ўқувчиларнинг халқ анъаналарига амал қилиши, қардошлик, дўстлик, ўртоқлик, инсонийлик туйғулари бўйича билим даражалари аниқланди. Тадқиқот жараёнида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг дўстлик, инсонийлик руҳидаги билим даражалари (тажриба гуруҳларида ва назорат гуруҳлари) бир хил эканлиги аниқланди. (2-жадвал) Бундан маълум бўлдики, тажриба-синов ишлари илмий ишимизнинг ишончилигига асос бўла олади.

1-жадвал

Ёшларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбиялаш технологиясини тизимли таснифлаш бошқичлари

1.	Диагностик бошқич (2007-2011)	Қорақалпоқ халқ педагогикасида ўқувчиларни дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияловчи маълумотлар тўплаш, суҳбатлар ўтказиш, даражаларини аниқлаш, умумлаштириш ва баҳолаш.
2.	Дастурий-таъминот бошқичи. (2011-2015 йй)	Технологияни амалиётга оширишда ёшларнинг дўстлик ва инсонийлик фазилатларини шакллантиришга доир назарий маълумотлар мазмуни аниқланади, дастурий маҳсулот тайёрланди.
3.	Таълим-тарбиявий бошқич (2015-2017 йй)	Тайёрланган методик қўлланмалар режа, дастур асосида ўқувчиларда тажриба синовдан ўтказилди.
4.	Якуний-умумлаштирувчи бошқич (2017-2019 йй)	Ўқувчиларда дўстлик, инсонийлик руҳида тарбияланиш динамикасини баҳолаш ва натижалари умумлаштирилди. Истиқболдаги тарбиявий ишларнинг йўналишлари аниқланди.

